Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2025 йил 16 май, № 99 (8994) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юксак мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва самимий тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони, авиақатновлар кўпаймоқда.

Тошкент шаҳрида ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес мулоқоти ва кўргазманинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлашни, шу жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар номенклатурасини кенгайтириш орқали янада кўпайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш муҳим экани таъкидланди.

Инновациялар, энергетика, саноат, фармацевтика, тўқимачилик, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш, кооперация лойиҳаларининг янги портфели ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ АВЛОДГА БОҒЛИҚ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

— Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ, — деди Президент сўзининг бошида. — Шу боис Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Ижтимоий соҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилган. Охирги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ 7 карра оширилган. Бу йил 60 триллион сўм ажратилган. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўрин яратилди.

Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8 — 12 миллион сўм маош оляпти.

Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошиб, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди. Янги ўқув йилидан мактаб директорлари, ўринбосарлари ва боғча мудираларининг иш ҳақи 7 — 10 миллион сўмдан ошади.

Таълим дастурлари энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланяпти, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб бериляпти. Энди муаллимлар янги методикаларни ўзлаштириб, болаларга яхши билим бериши керак. Бунинг учун педагогика йўналишидаги олий таълим сифатини ошириш зарур.

Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш ҳам долзарб масалалардан.

Йиғилишда соҳадаги ҳар бир йўналиш атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Мактаб таълимини янги босқичга кўтарадиган ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига эътибор қаратилди. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва унинг 13 та ҳудудий маркази қайта ташкил этилди. Низомий номидаги олий-гоҳ Миллий педагогика университетига айлантирилиб, унинг ректори бир вақтнинг ўзида мактабгача ва мактаб таълими вазирининг ўринбосари бўлди. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази ташкил қилинди.

Бу имкониятлар асосида барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгартирилади. Масалан, Термиз педагогика институти мисолида айтганда, ҳозирги факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим бўйича 6 та олий мактаб ташкил қилинади.

Фанлар сони мақбуллаштирилиб 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага туширилади, ўқув юкламаси 20 фоизга қисқаради. Яқин ҳудуддаги мактаблар унинг амалиёт базасига айлантирилади.

Институтнинг хорижий тил сертификатига эга 20 нафар ўқитувчиси шу йил Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби давлатларга малака оширишга юборилади. Келгуси уч йилда барча профессор-ўқитувчилар чет элда ўқитилади. “ТОП — 100” талик университетларда малака ошириш ва таълим хизматларини олиш тўғридан-тўғри шартнома асосида бўлади.

Ҳудудлардаги малака ошириш марказлари фаолияти ҳам кенгайтирилади. Улардаги профессор-ўқитувчилар АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Германиянинг илғор дастурлари асосида қайта тайёрланади.

Шу билан бирга, ўрта таълимдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблари ташкил этилади. Таянч мактаби ўқитувчиси Малака ошириш марказига келиб, ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер мақоми берилади. Сўнгра бу тренерлар ўзига бириктирилган ҳудудда 25 нафар етакчи ўқитувчини ўқитади. Етакчи ўқитувчилар эса ўз мактабидаги бошқа муаллимларнинг малакасини ошириб боради.

Бундан ташқари, университет, марказ ва мактаблардан муаллимлар хорижга малака оширишга юборилади.

Бугунги кунда хусусий олийгоҳларга кенг йўл очилган. Лекин уларда педагогика йўналишидаги талабаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим, бошланғич таълим ва филология бўйича таҳсил оляпти. Бирортасида кимё, биология ва физика бўйича муаллим тайёрланмайди. Ваҳоланки, мактабларимизда аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Шу боис бундан буён хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтларига мувофиқлаштирилади. Улардаги педагоглар ва талабалар билими ташқи диагностикадан ўтказилади. Бу орқали нодавлат олийгоҳларда педагоглар тайёрлаш сифати назоратга олинади.

➡ 2

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА ДОИМО ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирган фикрлари

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар, муҳтарам фахрийлар, азиз ёшлар!

Аввало, барчангизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимизнинг “Меҳр — кўзда”, деган иборасида чуқур маъно бор. Мен сизларнинг кўпчилигингизни яхши танийман, ғойибона кузатиб бораман. Бугун сизлар билан мана шундай улуғ айём кунларда дийдор кўришиб турганимдан ғоят хурсандман.

Бизнинг энг катта бойлигимиз — бу тинч ва осойишта ҳаётимиз, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг омонлигидир. Бугунги кунда барча ҳаракат ва ислоҳотларимиз, ҳамма эзгу ниятларимиз бир улуғ мақсадга — давлатимиз истиқлоли, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга қаратилган. Энг катта мақсад-муддаомиз — меҳнаткаш, мард ва олийжаноб халқимизни рози қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда, ўзингиз телевизорда кўряпсиз, шу йўлда бутун мамлакатимиз — бу Сурхондарё, Хоразм ёки Қорақалпоғистонда бўладими, Бухоро, Навоий ёки Самарқандда бўладими, Жиззах, Сирдарё ёки Тошкентда, Андижон, Наманган ёки Фарғонада бўладими, ҳатто энг олис туман ва қишлоқларимизда ҳам барча-барча юртдошларимиз бунёдкор меҳнат билан банд. Илоҳим, мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин!

Бугунги кунда дунё миқёсида вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Фақат иқтисодиётда эмас, барча-барча соҳаларда мавжуд таҳдид ва хавф-хатарларни ҳисобга олиб, йўлимизни аниқ белгилаб, қанчалик қийин бўлмасин, фақат ва фақат олдинга қараб боришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Энг муҳим ва асосий масала — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаб, одамларимизни ҳимоя қилишга, реал ҳимоя қилишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз, танлаган йўлимиз тўғри эканини аниқ натижа ва ютуқлар асосида исботлашимиз керак.

Ҳеч шубҳасиз, бу йўлда мард ва матонатли халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган мислсиз жасорати, буюк ғалабани яқинлаштиришга қўшган беқиёс ҳиссаси биз учун доимо куч-ғайрат ва фахр-ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Албатта, ҳаммангизнинг хабарингиз бор, жаҳон тарихидаги энг даҳшатли ана шу қирғин даврида Ўзбекистонда яшаган 6 миллион 800 минг аҳолидан қарийб 2 миллион нафари фронтга сафарбар этилган. Шундан 600 минг киши жанг майдонларида ҳалок бўлган, 200 минг нафар юртдошимиз бедарак кетган, яна 100 минг одамнинг дараги ҳали ҳам топилгани йўқ, биз уларни излашда давом этяпмиз.

Ана шу 2 миллионга яқин жасур ота-боболаримизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси жуда катта бўлиб, буни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Улардан 214 минг нафари — эътибор беринг, 214 минг нафари — урушда кўрсатган улкан жасорати учун жанговар орден ва медалларга, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” ордени билан тақдирлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мана шу ҳақиқатни ёшларимизга, ўз оиламиз, маҳалламиз ва жамоамизга ҳар куни айтишимиз, тушунтириб боришимиз керак. Чунки жанг майдонларида ёвуз душманга қарши кечаю кундуз мардона олишган қаҳрамон аждодларимизни қанча кўп улуғласак, бугунги озод ва фаровон ҳаётимизни шунча кўп қадрлаган бўламиз.

Биз мана шу Ғалаба боғини бежиз барпо этганимиз йўқ. Бу улуғвор мажмуа — халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини яққол кўрсатиб турадиган қутлуғ маскан, улуғ зиёратгоҳдир. Айни вақтда бу фарзандларимизга аждодларимиз жасоратидан сабоқ берадиган ўзига хос тарбия ўчоғи, десак, тўғри бўлади. Энг муҳими, ушбу боғ халқимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик анъаналари барҳаёт экани, уларни ҳар бир авлод шараф билан давом эттириши зарурлигини барчамизга эслатиб, таъкидлаб туради.

Бундай боғ эл-юртимизнинг орзуси эди. Мана, одамлар бу табаррук масканга қандай интилишини кўрсатадиган бир мисол — ўтган қисқа даврда бу ерга 3 миллиондан зиёд киши келиб, зиёрат қилиб кетган. Уларнинг орасида кексаю ёшлар, вилоятлардан, узоқ-узоқ қишлоқлардан, маҳаллалардан келган одамлар, чет элликлар бор. Улар ушбу мажмуадаги “Шон-шараф” музейи ва бошқа ёдгорликларда ўзининг бобоси, отаси, бувиси ёки қариндошларига оид ҳужжатлар, расм ва лавҳаларни кўриб, хурсанд бўлиб, катта таассурот ва ғурур билан кетяпти. Бир сўз билан айтганда, бу боғнинг келгусида эзгу мақсадларга хизмат қилишини инобатга олиб, уни ҳам тарихий, ҳам замонавий талаблар асосида мана шундай пухта барпо этганимиз ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ғалаба боғи — бу ҳамиша барҳаёт қаҳрамонларимиз тимсоли, ўзлигимиз ифодаси, қандай саботматонатли халқ эканимизнинг ёрқин амалий тасдиғидир.

Энг асосийси, биз бу мажмуани ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, кенгайтириб боряпмиз. Эл-юртимиз, хорижий мамлакатлардаги дўстларимиз, ҳамкорларимиз бу борада катта ёрдам беряпти. Шу тариқа халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши ва мустақиллик давридаги қаҳрамонлиги чуқур ўрганилиб, янги-янги материаллар, ҳужжатлар топилиб, эълон қилиб борилмоқда.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида боғ ҳудудида **“Хотира нури” композицияси** барпо этилди. Кўриб турганингиздек, парвоз қилаётган бир жуфт қуш шаклидаги бу монументал асар Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида жон олиб-жон берган ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида меҳнат қилган ватандошларимизнинг тенгсиз жасоратини мадҳ этади. У авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарини намоён этиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадларини дахлсиз сақлаш, бугунги тинч ва осойишта ҳаётни ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Улар биз учун ҳамиша барҳаётдир. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз мустақил Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай қаҳрамонлари борлигини билиши ва уларни ҳеч қачон унутмаслиги зарур.

Мен 2023 йил март ойида Сурхондарёда сизларнинг кўпчилигингиз — ана шундай марҳум аскар ва офицерларимизнинг оила аъзолари, яқинлари билан учрашганман, фикр ва таклифларингизни эшитганман. Мана шу қаҳрамонларимиз хотирасига ҳам ёдгорлик ўрнатсак, деган орзу, керак бўлса, армон мени доим ўйлантириб келарди. Бу нафақат менинг, балки ана шундай ботир ва довюрак она юрт посбонларини тарбиялаган сиздек ота-оналарнинг, қолаверса, қаҳрамонларимизнинг аёллари ва фарзандларининг, бутун халқимизнинг орзуси эди, десак, албатта хато бўлмайди.

Халқимизнинг ана шу баҳодир ўғлонларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини таъсирчан бир шаклда акс эттириш, ҳаётдан эрта кетган бу навқирон фидойи инсонларнинг Ватанимизга бўлган меҳри, садоқати ва жасоратини ана шу ёдгорликда кўрсатиш ҳақида ўз фикрларимни айтиб, архитектор ва ҳайкалтарошлар, тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар билан жуда кўп мулоқот қилганман.

Ана шундай интилишларимиз натижаси сифатида бугун Ғалаба боғида янги бир ёдгорлик — **“Миллат фидойилари”** монументи барпо этилганини барчамиз кўриб турибмиз.

Албатта, ушбу монументда номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган 196 нафар марҳум ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳар бири, Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари каби, ҳаётнинг кўп-кўп неъматларидан баҳраманд бўлишга улгурмаган. Бу шерюрак ўғлонларимизнинг ҳам келажак орзулари бор эди, уларни олдинда яхши ва ёруғ кунлар, ота-онаси, оиласи, ширин-дан-ширин фарзандлари кутаётган эди. Лекин мамлакатимиз истиқлоли, халқимиз тинчлигига нисбатан реал хавф туғилган пайтда, улар бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмасдан, жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ўзларини қалқон қилишди. Бу фидойи ҳарбийлар шу тариқа бугунги Янги Ўзбекистон учун мустаҳкам замин яратиб кетишди. Шу боис биз уларнинг хотираси, руҳи поклари олдида доимо қарздормиз.

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман. Нафақат ўйлайман, жойларда бўлганимда вилоят ва туман ҳокимлари, нуронийларимиз, маҳаллалар ва жамоатчилигимиз вакилларини қаҳрамон жангчиларнинг оилалари ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга, уларнинг жасоратини кўпроқ тарғиб этишга чақириб келаман.

Мана, бугунги маросимда ҳурматли оқсоқолларимиз, нуронийлар, кўпни кўрган акаларимиз, ўз ҳаёти давомида доимо кўпчиликка намуна бўлиб келаётган олийжаноб инсонлар қатнашмоқда. Улар тинч ва ёруғ кунларнинг қадрини, бугунги нурли, файзли ҳаёт ниманинг ҳисобидан келганини бошқалардан кўра яхши тушунишади.

Албатта, **“Миллат фидойилари”** хотира ёдгорлигини имкон қадар кўпроқ одам келиб кўришга интилади. Лекин биз бундай интилиш ва ҳаракатларни ташкилий нуқтаи назардан аниқ йўналишга солишимиз зарур.

Яна бир бор айтаман, бу масканда номлари қайд этилган баҳодирларимизнинг жасорати, номлари ва хотираси эл-юртимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди.

Сиз, азизлар бу мажмуага биринчи бўлиб ташриф буюрган инсонларсиз. Сизлардан илтимосим шуки, бу ҳақиқатни барчага етказишимиз керак. Бу ерни доимий обод қилиб, довюрак фарзандларимиз руҳларини шод этиш — бизнинг муқаддас вазифамиз.

Бугунги замонавий ахборот технологиялари ютуқлари асосида бу ерда катта ишларни амалга оширдик. Айниқса, сунъий интеллект ёрдамида марҳум жангчи ўғлонларимиз бамисоли тирик инсондек гапиради. Буни кўриб, уларнинг овозини эшитиб, фарзандлари, аёллари, набиралари эртага қўшниси, дўсти ёки танишига бориб, бизнинг отамиз, бобомиз ҳеч қачон ўлмаган, ҳамиша тирик, деб айта олади.

Ушбу ёдгорликнинг беқиёс аҳамияти ҳақида гапирганда, мен бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маълумки, биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни бошлаган биринчи кунларданоқ **халқимизни рози қилиш, “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни амалга оширишни** ўзимиз учун бош мақсад этиб белгиладик.

Инсон қадрини эъзозлаган давлат ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен мана шу боққа, мана шу ёдгорликни томоша қилишга келган киши Ватан мустақиллиги учун курашган, жон фидо этган одам асло эл-юртнинг назаридан четда қолмаслигини, келгуси авлодлар уларни эсидан чиқармаслигини чин юракдан ҳис этишини истар эдим. Ана шундагина халқ ҳаётида фидойилик ва қаҳрамонлик анъаналари бардавом бўлади. Ана шундагина инсон қадри ва ҳаёти нақадар буюк бойлик экани яққол аён бўлади.

Ҳаёт бор экан, бутун жамиятда албатта ҳар жабҳада кураш кетади. Ҳозирги кунда биз ҳам гўзал, файзли ва фаровон ҳаёт учун, тинчлик учун курашяпмиз. Бу кураш ҳар куни, ҳар дақиқада давом этмоқда.

Бу мажмуада номлари битилган ҳарбийларимиз мустақиллик йилларида Сариосиёда, Тошкент вилоятида, Андижонда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатларига қарши курашда қандай жасорат кўрсатганини кўпчилик яхши билади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўша суронли йилларда терроризм ва экстремизмга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўғлонларимизнинг бугунги тадбиримизда иштирок этаётган ота-оналари, аёллари ва фарзандларига, қариндошларига халқимиз номидан, ўз номимдан яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Такрор айтаман: Ватанимиз ва халқимиз сизларнинг фарзандларингиз, турмуш ўртоқларингиз, оталарингиз, жигарларингиз хотирасини ҳеч қачон унутмайди. Сизларнинг фарзандларингиз, турмуш ўртоқларингиз ҳақиқий қаҳрамон бўлган, сизларнинг оталарингиз ҳақиқий қаҳрамон бўлган.

➡ 2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2025 йил 16 май

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА ДОИМО ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирган фикрлари



1 Ҳозирги вақтда ана шу фидойи инсонларнинг фарзандлари жасур оталарининг ҳаётини давом эттирмоқда. Уларнинг ўқиб, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, келажакда эл-юртимиз учун оталари каби садоқат билан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишишлари учун зарур шароитларни яратиб беряпмиз. Мен улар бу ҳаётнинг қадрига бошқаларга нисбатан кўпроқ етиб, барчага намуна бўлишини истайман. Азиз болаларим, сизлар бунга албатта қодирсиз!

Ҳеч қачон унутманг, қўшниларингиз, маҳалладошларингиз **“Булар — қаҳрамон оила фарзандлари”** деб сизларга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қарашади.

Бу — инсон учун катта бахт ва шараф, айни пайтда улкан масъулият ҳам, десак, адашмаган бўламиз.

Сизлар шунга доимо муносиб бўласиз, деб ишонаман.

Ҳурматли шоир ва адибларимиз, журналистларимиз ана шундай оилалар ҳақида, уларнинг қаҳрамон оталари ҳақида янги асарлар, китоблар ёзадилар, деб умид қиламан. Мана шундай оилаларнинг аёллари, фарзандларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатсак, бу ҳам албатта миллий ўзлигимизни англашга, ғуруримиз ва маънавиятимизни кучайтиришга, халқимизни янада бирлаштиришга хизмат қилади.

Буям тарбия, буям тарих, буям ибрат бўлади. Айни пайтда бу ана шу оилалар тўғрисида яна бир маънавий ғамхўрлик ва эътибор, уларнинг фарзандларига яхшилик қилиш, умр йўлдошларига шукроналик, сабр тилаш билан баробардир.

Ўзингиз кўряпсиз, “тўқликка шўхлик” деганларидек, ҳозирги замонда бизга ярашмайдиган ишлар ҳам, афсуски, кўп бўляпти. Буни ҳам унутмаслигимиз шарт. Бугунги эркин ҳаёт бераётган имкониятларни ҳамма ҳам тўғри қабул қилмаяпти. Буям айни ҳақиқат.

Эркинлик ва озодликнинг, тинчликнинг қадрига етиш — бу осон эмас. Бу — ўта оғир ва машаққатли иш. Бунинг учун ҳам илм, тарбия, маданият ва ирода керак. Шу боис мен **“биз ҳали изланишдамиз”** деган фикрни кўп такрорлайман. Ўрганиш, изланиш ҳеч қачон тўхтамаслиги керак. Олдинга қараб интилган халқ ва миллатнинг келажаги албатта ёруғ бўлади.

Яқинда Хоразмда бўлганимда бир гуруҳ ёшлар билан учрашдим. Урганчлик қизимиз Мафтуна Очилованинг ўта ҳаяжонли сўзлари ҳалиям қулоғимда жаранглаб турибди: “Муҳтарам Президент, мен отасиз ўсганман, онам уч нафар фарзандни бир ўзи тарбия қилдилар. Биз камбағал оила эдик, турмушимиз, шароитимиз жуда оғир эди. Мана, энди камбағалликдан қутулдик.

Сизнинг ташаббусингиз билан, муҳтарам Президент, китобхонлик бўйича ўтказилган танловда ёшлар орасида республикада биринчи ўринни эгалладим ва Сизнинг совғангиз — электромобилга эга бўлдим. Ўша пайтдаги қувончимни сўз билан ифода этиб беролмайман!”, деди қизимиз кўзида ёш билан.

Кўрдингизми, дунёда адолат ва ҳақиқат мезони барибир мавжуд. Оддий бир қизимиз шу гапларни йиғлаб-йиғлаб айтганида, менинг кўнглим ҳам беихтиёр бошқача бўлиб кетди. Буни мен ҳам сўз билан ифода этиб беролмайман. Қаранг, эзгулик қандай буюк, қандай қудратли куч!

Ҳаётда доимо мана шундай эзгу ишларга интилиб яшасак, бир-биримиздан меҳримиз, ёрдамимизни аямасак, кўзлаётган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Қаранг, шу хоразмлик қизимиз бутун қалби билан тиришиб, интилиб, тинимсиз меҳнат қилиб, майли, қийналиб бўлса ҳам, дастлабки катта ютуққа эришибди. Онаси минг бир машаққат билан оиласини қашшоқликдан олиб чиққан бўлса, бу қизим, онасидан ибрат олиб, бу оила маънавий жиҳатдан қандай кучли эканини бутун юртимизга кўрсатди. Буям жасорат ва матонат намунаси.

Энди бу оилани ҳеч ким камбағал оила деб айтолмайди. Мана шундай кучли қизлари бўлган оила ҳеч қачон камбағал бўлмайди. Бу — ҳаётнинг азалий ҳақиқати.

Ўзингиз тасаввур қилинг, китоб мутолааси бўйича миллионлаб Ўзбекистон ёшлари орасида биринчи ўринни эгаллаш учун битта эмас, юзлаб, балки, минглаб китоб ўқиш керак. Чунки бу танлов дастлаб маҳалла ва туманда, шаҳарда, вилоят даражасида бўлади, охири республика миқёсида якунига етади. Уни жуда билимли ва талабчан ўқитувчи ва мураббийлар, адабиётшунос олимлар, шоир ва адиблар назорат қилиб боради.

Шу маънода, Мафтуна Очилова китобхонлик бўйича мамлакатимизда биринчи ўринни олгани — катта натижа. Лекин бу фарзандимизда ўзига, ҳаётга, одамларга ишонч пайдо бўлгани, энг муҳими, адолат юзага чиққанини мен ундан ҳам катта ютуқ, деб ҳисоблайман.

Қани энди, барча ёшларимиз салгина телефонни чеккага суриб қўйиб, китобга кўпроқ эътибор берса. Уларга насиҳат қилиб, китоб нақадар буюк мўъжиза экани, унда ҳаёт сирлари ва ҳикматлари яширинганини болалигидан онгига сингдириб борсак, фарзандларимиз китоб билан дўст бўлса, уларнинг фикри ҳам, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Уларни ҳеч қандай ёвуз куч ёмон йўлларга бошлай олмайди. Мана, тарбиянинг сири, калити қаерда!

Шунинг учун ҳар бир ишимиз замирида маънавият, маърифат, илм ва ҳикмат мужассам бўлиши керак. Шундагина азиз Ватанимизнинг эртанги кунига ишончли пойдевор қўйган бўламиз. Бу пойдевор мустаҳкам бўлиши учун ҳар куни тинимсиз изланишимиз, меҳнат қилишимиз шарт.

Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида фидойиларча ҳалок бўлган қаҳрамонларимизни ўзи туғилиб ўсган маҳалласи, тумани билади, лекин бутун халқ билмайди-ку! Мана энди, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши жанг қилган катта авлод вакиллари билан бирга, уларнинг номлари ҳам тарихимиз саҳифаларига абадий муҳрланди. Энди уларни бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз албатта билади. Ушбу бадиий обидада уларнинг номлари ва сиймолари акс эттирилгани — бу юксак эътироф ва эҳтиром. Бутун халқ, бутун миллатнинг эътирофи, эҳтиромидир.

Мустақиллик — бу Худойи таолонинг бизга чексиз марҳамати ва неъматидир. Ана шу буюк неъматни, буюк истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Шу йўлда эл-юртимизга муносиб хизмат қилишимиз лозим. Бу ҳақда қанча кўп гапирсак, халқимиз ҳозирги таҳликали замонда янада бирлашиб, янги-янги фидойи ва фаол қаҳрамонларни воя га етказади.

Энг муҳими, жаҳон майдонида мағрур бош кўтариб, шонли тарихимизга муносиб халқ бўлиб яшаймиз. Бугун айнан шу ғояларни фаол тарғиб этишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Бугунги тарихий воқеа — **“Миллат фидойилари”** ёдгорлигининг очилиши билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мустақиллик йилларида азиз жонини аямасдан, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни асраш йўлида қаҳрамонлик кўрсатган мард ва жасур фарзандларимизнинг муборак хотираси олдида чин дилдан таъзим қиламан.

Такрор ва такрор айтишдан чарчамайман: биз бундай қаҳрамон ўғлонларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Улар доимо биз билан бирга яшайди.

Ватанимизга ҳар томонлама муносиб қаҳрамон ўғлонларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Доимо соғ-омон бўлинглар, катта раҳмат сизларга!

Тошкент шаҳри, Ғалаба боғи
2025 йил 8 май

ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ СОҒЛОМ ВА БИЛИМЛИ АВЛОДГА БОҒЛИҚ

1 Давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхталди. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури бошланади, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олиниб, рейтинги юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Бундан ташқари, Президент ва ихтисослаштирилган мактаблардан 208 нафар маслаҳатчи умумтаълим мактабларига бириктирилади. Бу маслаҳатчилар мактаблардан ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчини селекция қилиб, АҚШнинг Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби “Печак лигаси” олийгоҳларига тайёрлайди.

Билимсеварликка пойдевор қўйишда мактабгача таълимнинг ўрни жуда муҳим. Бугунги кунда юртимизда 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий боғчалар фаолият юритмоқда. Олти ёшли болаларнинг 96 фоизи мактабга тайёрлов гуруҳларига қамраб олинган. Кейинги йили бу рақам 100 фоизга чиқади.

Энди илғор хорижий тажриба асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурлари ўзаро уйғунлашади. Бунинг учун боғча болаларини математика, табиий фанлар ва технология йўналишларида танқидий ва креатив фикрлашга ўргатадиган дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, боғча тарбиячиларининг малакаси, маҳорати ва психологик тайёргарлигини ошириш учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилади.

Йиғилишда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Шу мақсадда “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Республика ўқувчи-ёшлар маркази ягона тизимга бирлаштирилади. Улар таъмирланиб, замонавий йўналишларга мос жиҳозланади, хорижий тиллар, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби янги тўгараклар очилади.

Ўқувчилар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича ҳам янги тизим яратилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва пойтахтдаги “Баркамол авлод” марказларида камида 100 ўринли “Болалар сайёҳлик базаси” ташкил қилинади. Ҳар йили 1 миллион ўқувчи учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар уюштирилади.

Болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш — ҳаммани ўйлантираётган муаммо. Шу боис Президент қарорига мувофиқ Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинди. У маҳаллий ижодкорларга миллий контентлар яратиш бўйича буюртма беради, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил қилади.

Шунингдек, ёзги таътилда ёшларни оромгоҳлар ва фойдали машғулотларга жалб этиш, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва санъат кечалари ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди.

ЎзА.

Учрашув

Парламентлараро алоқалар жадал ривожланади

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева АҚШнинг Юта штати Сенати раиси Стюарт Адамс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётгани, хусусан, парламентлараро алоқалар кенгайиб бораётгани таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, АҚШ Конгрессидаги “Ўзбекистон бўйича кокус” ва Олий Мажлисдаги Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳининг фаолияти юқори баҳоланди.

Томонлар ҳамкорликнинг асосий йўналишларини, жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, таълим ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, парламент дипломатияси доирасида шерикликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, хусусан, уни минтақавий ва парламентлараро даражада ривожлантиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Ёшларга оид устувор масалалар юзасидан фикрлашилди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг БМТ Бош котибининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, БМТ Ёшлар бюроси раҳбари Фелипе Паульер билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, ёшлар парламентлари ўртасида халқаро фикрлашувни кучайтириш, экология, сунъий интеллект ва рақамли таълим соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Учрашувда БМТ “Ёшлар — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, унинг доирасида ёшларга оид масалаларни илгари суришдаги устуворликлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги асосий йўналишлар, туб ислоҳотлар ва амалий натижалар юзасидан фикрлашилди. Хусусан, мамлакат аҳолиси таркибида ёшларнинг улуши 55 фоиздан ошгани инобатга олиниб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани таъкидланди.

Дўстона ва амалий руҳда кечган мулоқот якунида Ўзбекистон ва БМТ ўртасида барча соҳада ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокамаси

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Йожеф Родж билан учрашди.

Мулоқот

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, икки давлат парламентларининг ўзаро алоқаларини янада фаоллаштириш, таълим соҳасида тажриба алмашиш ва халқаро парламент ташкилотлари доирасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, томонлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш имкониятларини кўриб чиқди.

Учрашув давомида мунтазам алоқаларни давом эттириш ва икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма тадбирларни ташкил қилиш бўйича келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Мактабгача таълим:

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан парламент назорати доирасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 1-мақсади — мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва болаларни тўлиқ қамраб олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилмоқда.

Ўрганиш

Шу мақсадда 12 — 14 май кунлари қўмита раиси Б. Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти билан танишди.

Ўрганиш давомида асосий эътибор болаларнинг қамров даражаси, улар учун яратилган шароитлар, таълим сифати, педагог ходимларнинг малакаси, ташкилотларнинг моддий-техник ҳолати ҳамда болалар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига қаратилди.

Таҳлиллар натижасида вилоятда қатор ижобий ютуқларга эришилаётгани баробарида айрим муаммолар ҳам мавжуд экани аниқланди.

Жумладан, болалар қамрови 68 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич республика бўйича энг паст ҳисобланади. Ҳозирги кунда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 32 фоизи мактабгача таълим ташкилотлари билан қамраб олинмаган. Шунингдек, 28 та маҳаллада ҳали ҳам мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, айрим муассасаларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш талаб даражасида эмаслиги, ошпазлар тиббий кўрикдан ўтмасдан ишга жалб қилингани ва болалар белгиланган меъёрда озиқ-овқат билан таъминланмаётгани каби ҳолатлар ҳам аниқланди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, масъул идораларга етказилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

Икки томонлама битимларнинг юртимиз равнақидаги ўрни

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида муҳим қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, мутахассис ва экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун атрофлича муҳокамадан ўтказилди.

Таъкидланганидек, қонун билан ратификация қилинаётган Битимда икки давлат ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, ҳар икки давлат фуқароларини бир-бирининг ҳудудида тенг ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлаш, фуқаролик ҳамда иқтисодий масалалар юзасидан суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга мурожаат қилиш имкониятини яратиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, фуқаролар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш, суд ҳужжатларини тан олиш ва ижроси каби масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши икки мамлакат ўртасида фуқаролик ва иқтисодий соҳаларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини қайд этди.

Шунингдек, мажлис давомида “Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини ташкил этиш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Битимда ташкилотга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятлар идоралари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, табиий офатлар вақтида тезкор қидирув-қутқарув ишларини мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги мониторинг, таҳлиллар натижаларини, ўзаро тажриба алмашинувини тизимлаштириш ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш каби масалаларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда механизмлари белгиланган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун мамлакатимизда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик чораларини янада самарали ташкил қилишда, табиий офатлар оқибатида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашда давлатлараро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка замин бўлади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланади

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг навбатдаги мажлисида “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар дастлабки тарзда муҳокама этилди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилишини назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка сабаб бўладиган зарарнинг ўрни судга қадар ва суд муҳокамаси давомида тўлиқ қопланган тақдирда жавобгарликдан озод этилиши белгиланмоқда.

Қўмита аъзолари мазкур қонун тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоялаш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилишини қайд этишди.

Бундан ташқари, қонунда солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш мақсадлари ҳам назарда тутилгани эътиборга молик.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан бир қатор қонун ҳамда кодексларга лицензиялаш, рухсат бериш, хабардор қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу қонун лицензиялаш тартиб-таомиллари давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда.

Муҳокамадан сўнг қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фарғонада «Central Asia — 2025: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XVIII халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Қўмиталар ҳафта ичида

Ҳунармандчилик:
ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ САЙҚАЛ ТОПАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Ҳунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар” мавзуида давра суҳбати ўтказди.



Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, “Ҳунарманд” уюшмаси мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини ҳунармандчилик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича кўламдор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада аҳолининг ҳунар ўрганишга бўлган қизиқиши янада ортиб, “Уста — шогирд” анъаналари ривожланди, мустақил фаолият юритмоқчи бўлган ҳунармандларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилди.

Ҳунармандчилик дастурларини рўёбга чиқариш, “Уста — шогирд” анъаналарини ривожлантириш мақсадида жойларда 77 та ҳунармандчилик маркази, 41 та уй музейи ва 4,6 мингдан ортиқ устахоналар фаолияти йўлга қўйилгани туфайли ўтган йиллар давомида ҳунармандлар сони 9, шогирдлар сони эса 12 бараварга кўпайиб, соҳада 340 мингдан кўп аҳоли бандлигини таъминлашга эришилди.

Тадбирда соҳадаги ижобий ўзгаришлар билан бирга, айрим масалалар ҳам борлиги диққат марказида бўлди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жойлашган “Авғонбоғ” мадрасаси ҳамда “Обихона ва минора” мажмуаси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Жамоатчилик томонидан “Авғонбоғ” мадрасасининг “Ҳунармандлар уйи” сифатида фаолият юритишига шароит яратиш таклиф этилаётгани айтилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъати янада ривож топиши, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Депутатлар томонидан Хоразм вилоятида жойлашган “Янгиариқ кулолчилик маркази” ва бошқа ҳунармандчилик объектлари фаолияти ўрганилганида, хомашё етишмовчилиги, маҳсулотлар учун ички ва ташқи бозорда маркетинг, логистика ва савдо каналлари етарли эмаслиги, рақобатбардош савдо платформалари, онлайн дўконлар ҳамда кўргазмаларда иштирок этиш имкониятлари камлиги, инфратузилма билан боғлиқ айрим муаммолар борлиги аниқлангани таъкидланди.

Мунозаралар давомида таъмирталаб ҳолатга келиб қолган тарихий объектларнинг биноларини таъмирлаш, уларни ҳунармандлар марказларига айлантириш, ҳунармандларга имтиёзли шартларда кредит бериш орқали янги асбоб-ускуналар, хомашё ва ишлаб чиқариш жиҳозларини харид қилиш ҳамда янги ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар ташкил этиш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ҳамкорлигида 15 май — Халқаро иқлим кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар мутасаддилари, соҳада фаолият юритаётган олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида иқлим ўзгариши ва унинг мамлакатимиздаги экологик муҳит, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли саломатлигига таъсири кенг муҳокама қилинди. Иштирокчилар иқлим муаммоларига ечим топишда қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда аҳоли ва ёшлар ўртасида экологик маданиятни ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизда иқлим ўзгариши, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш борасида амалий тадбирлар ўтказилаётгани эътироф этилди.

Мамлакатимизда иқлим ўзгаришлари оқибатини юмшатишда “Яшил макон” умуммиллий ва “Менинг боғим” лойиҳалари доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ҳамда буталар экиш йўлга қўйилгани, Орол денгизи тубида яшил майдон барпо этиш, ўрмонзорлаштириш ишларини кенгайтириш, сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодиётни, шу жумладан, “яшил” энергетикани ривожлантиришнинг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, экологик инновацияларни жорий қилиш, экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни амалга ошириш, “яшил” иқтисодиётни амалиётга кенг татбиқ этиш муҳим экани айтилиб, бу бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Атроф-муҳит муҳофазасига барча бирдек масъул экани, уни асраб-авайлаш, ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни янада кучайтириш мақсадга мувофиқлиги уқтирилди.

Якунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Эътироф

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеяси 79-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди

Шу йилнинг 5 — 9 апрель кунлар пойтахтимизда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси якунлари бўйича қабул қилинган ижтимоий тараққиёт ва адолат йўлида парламент ҳаракатларига бағишланган Тошкент декларациясида улкан мақсад, вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган. Унда ижтимоий тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни янгилашга қаратилган ишлар, мавжуд ва юзага келаётган муаммолар ечимини биргаликда излаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Декларацияда ҳукуматларга ижтимоий ривожланишга комплекс ёндашиш ва ҳар бир давлат томонидан мустақил равишда қуйидаги учта йўналиш бўйича белгиланиши керак бўлган сиёсий ислоҳотлар пакетини амалга ошириш тавсия этилганлиги алоҳида таъкидланади:

биринчиси, одамларга, яъни уларнинг таълимига, соғлиғига ва атроф-муҳитга, шунингдек, ҳаётнинг барча босқичида одамлар гуллаб-яшнаши ва имкон қадар тўлиқ ҳаёт кечириши учун ижтимоий тараққиётнинг асосий шарти бўлган ижтимоий муносабатларни ўрнатиш, бизнес бошлаш ёки муносиб иш топиш имконини берадиган кўникмаларга сармоя киритиш;

иккинчиси, иқтисодиётни демократлаштириш, у инсон манфаатларига жавоб бериши, уларнинг салоҳиятини кучайтириши, эҳтиёжларини қондириши учун ҳар бир киши муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлиши керак. Аъзо мамлакатларнинг солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати сифатли бандликни таъминлашга, жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришга, қарорлар қабул қилиш жараёнида барча одамларни, айниқса, аёллар ва ёшларни жалб этиш орқали ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўпроқ йўналтирилиши лозим;

учинчиси, нафақат давлат органлари, жумладан, парламентлар ҳамда миллий ва муниципал миқёсда фаолият юритувчи, балки аҳолининг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжларини турли йўллар билан қондирадиган давлат бошқаруви органлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳам ўз ичига олган институтлар мавқеини мустаҳкамлаш. Шу муносабат билан жаҳон миқёсида халқаро молия институтлари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва умуман, БМТ тизими каби кўп томонлама ташкилотларга эҳтиёж борлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, ҳужжат барча парламентлар ва унинг аъзоларини Тошкент декларациясини амалга ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ва ўзгаришлар жараёнини умумжаҳон иштироки учун очиқ бўлган миллий режаларни ишлаб чиқишдан бошлашга чақиради.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

Фикр

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, соҳани жаҳон андозаларига мослаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу йўналишда бажарилаётган ишлар сифати ва самарадорлиги давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.



Соҳада такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати жорий қилиниб, аҳолини гуруҳ мансублигидан келиб чиққан ҳолда белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтказиш ва саломатлигини даврий кузатиб бориш механизмлари амалиётга татбиқ этилди.

Давлат томонидан бепул кўрсатиладиган кафолатланган тиббий хизматлар ҳажми энг кўп учраётган касалликлар ва мурожаатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббий хизматда диагностика усуллари 500 дан, муолажа усуллари эса 800 дан ошди. Бугун 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётлар вилоят ва туманларда ўтказилаётир.

Бир пайтлар юқори технологик амалиётлар, кардиожарроҳлик ва трансплантологик операциялар фақат пойтахтимизда амалга оширилган бўлса, бугун вилоят, ҳатто туман даражасигача туширилгани аҳолининг оғирини енгил қилмоқда. Соҳадаги ўзгаришларни энг олис ва чекка ҳудудларда яшовчи одамларимиз ҳам ўз ҳаётида, турмушида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Албатта, ўтган қисқа даврда тиббиёт тизимида катта ижобий ўзгаришлар бўлди, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашди. Лекин соҳада ҳали ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам борки, бу фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда.

Яқинда Президентимиз раислигида таҳлилий, танқидий руҳда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослаштирилган муассасаларда хизматлар сифатини янада ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари тизимни тўлиқ рақамлаштириш масаласига тўхталиб, белгиланган ислоҳотлар қанчалик тўғри бўлмасин, тизим рақамлашмаса, кутилган натижага эришиб бўлмаслигини, “электрон поликлиника”, “электрон шифохона”ни жорий этиш, бирламчи бўғин ва суғурта тизимини тўғри ташкил қилиш, тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмасини яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш орқали кўзланган мақсадларга эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Жорий йилда электрон йўлланма асосида даволашга бюджетдан 1,1 трлн. сўм ажратилиши, эндиликда беморга республика даражасида даволаниш учун берилган йўлланма ягона электрон платформага жойлаштирилиши, платформада республика маркази, бошқа вилоятдаги давлат ва хусусий клиникалар ҳам иштирок этиши беморнинг ўзи учун қулай шифохонани танлаш имконини бериш билан бирга, республика марказлари ва ҳудудий шифохоналар ўртасида эркин рақобат бўлишига замин яратади.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўғин жуда муҳим. Ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг халқимиз, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳоли талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда амалга оширилиши айни муддаодир. Албатта, бунда тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмаларини кенгайтириш, ходимларни рағбатлантириш бирламчи бўғинда тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга катта таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, туманлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров жиҳатидан мақбуллаштирилади. Марказий поликлиника эса туман шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилади. Барча тор соҳа мутахассислари шу ерда ишлайди. Оналар ўлимини қисқартириш мақсадида ҳар йили 9 млн. нафар туғиш ёшидаги аёл профилактик кўрикдан, 900 минг нафар ҳомиладор аёл пренатал скринингдан ўтказилади. Поликлиникада акушер-гинекологлар сони 2 баробар кўпайтирилиб, ҳар 3 минг бола учун биттадан педиатр штати янгидан қўшилади.

Биламизки, бугун соғлиқни сақлаш соҳасига жорий этилган суғурта тизими доирасида ҳар бир фуқаронинг саломатлиги кафолатланган пакет асосида Давлат бюджети маблағи ҳисобидан суғурта қилинади. Бу бежиз эмас. Чунки тиббий суғурта тизимининг тўлиқ йўлга қўйилиши бирламчи тиббий-санитария ёрдами улуши кенгайишига, аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакилларининг сифатли тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинса, 2026 йилда бу тизим Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Тошкент, Наманган ҳамда Жиззах вилоятларида ҳам амалиётга татбиқ этилиши жуда тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Йиғилишда белгилаб берилган устувор вазифалар соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 48-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, деган конституциявий ҳуқуқни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЗАРГАРЛИК — САНОАТ АСОСИДА

Кўзни қамаштирувчи тилла безакларнинг ҳар қандай турини яратиш анъанавий ҳунармандчиликда энг машаққатли юмушлардан ҳисобланган. Зеро, заргар ҳар бир буюмга кўз нурини сарфлаб, минг жило беради.

Изланиш



Эндиликда соҳага илғор технология кириб келиши билан аҳвол бутунлай ўзгарди. Биринчилардан бўлиб Наманганда қўл меҳнати орқали шуғулланиб келинган заргарлик саноат усулига кўчирилди.

Ўз брендини дунёга танитаётган “Gavhar jevel group” масъулияти чекланган жамиятида қимматбаҳо металлар ва тошларни харид қилиш, қайта ишлаш ва бошқа барча заргарлик амалиёти бажарилади. Дастлабки лойиҳанинг қиймати 6,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, Италия, Германия, Туркия ва Россиядан технологик ускуналар олиб келинди. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 960 килограмм заргарлик буюмлари, 1800 килограмм олтин қуймалари тайёрлашга тенг қувватлардан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич ўзлаштирилмоқда. Айни пайтда бу ерда 70 дан зиёд кишилар доимий меҳнат ўрнига эга. Бунга қўшимча 100 га яқин маҳаллий заргарлар кооперация асосида уюшиб, иш олиб бормоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ўтган йилги ташрифи корхонамиз фаолиятида янги босқични бошлаб берди, — дейди МЧЖ бош директори Омилбек Тиллабоев. — Суҳбат чоғида заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, кўргазма ва савдо майдонларини ўз ичига олган махсус заргарлик марказларини ташкил этиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди. Замонавий технологик воситалар асосида жиҳозланадиган марказ, аввало, вилоятда иш олиб бораётган мазкур соҳа вакилларини бир жойга уюштириб, улар учун қулай ва унумли меҳнат қилиш майдонини яратади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий заргарлар билан кооперация асосида иш олиб бориб, илғор технология ёрдамида юқори сифатли, рақобатбардош буюмлар тайёрлаш, миллий брендни ривожлантириш имконини янада кенгайтиради. Унинг негизида мингта иш ўрни яратилиши эътиборга олинса, бажариладиган ишлар кўлами янада ойдинлашади.

Умуман, ўтган йили Наманган заргарлигида ишлаб чиқариш ривожига қанот бўладиган катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, бозор қоидаларини бузмаган ҳолда бизнес ривожланишига ёрдам берадиган соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида барча заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига асиллик даражасини белгилаш тамғаси жорий этилди. Маҳаллий заргарлик корхоналарининг асосий рақобатчилари — Туркия ва Озарбайжон давлатларида тайёрланган буюмларнинг ноқонуний йўллар билан кириб келишининг олди олиниб, қатъий назорат қилинмоқда. Навоий ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари томонидан заргарлар учун узлуксиз металл етказиб берилиши йўлга қўйилди.

“Gavhar jevel group”нинг ўзига келсак, у юксак сифат ва ифтихор тимсоли сифатида турдош корхоналарга намуна бўлмоқда. Ҳозирда корхонанинг ички бозордаги улуши салкам қирқ фоизга етди. Бугина эмас, 2022 йили Бухорода ташкил этилган халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалида муваффақиятли қатнашиб, “Энг яхши заргарлик корхонаси” номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади. 2023 йилда қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари экспортини қўллаб-қувватлаш кенгаши томонидан Дубай шаҳрида ўтказилган “International GEM & jevellery show” нуфузли халқаро заргарлик “Global icon” мукофотини қўлга киритди. Истеъмол бозорини қалбаки маҳсулотлардан ишончли ҳимоя қилиб, харидорларга асл тилла буюмларни тақдим этиб келмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ (“Халқ сўзи”).

ПЕДАГОГ САЛОҲИЯТИ — ТАЪЛИМДА СИФАТ МЕЗОНИ

Кеча Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактаб таълими тизимидаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда, соҳадаги долзарб муаммолар таҳлил қилиниб, тизимни ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Акс садо



Таъкидлаш жоизки, таълим тизими бугунги кун талабларига жавоб бериши учун соҳада сифатни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Энг аввало, бу масала педагогнинг маҳоратига узвий боғлиқ. Шу маънода сўнгги йилларда мамлакатимизда педагогларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, Асосий Қонунимизда Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши белгилаб қўйилди. Бу эса жамиятда ўқитувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида таълимнинг барча турида юқори сифат ўзгаришларига эришилиши таъминланишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таълимда сифат бўлиши учун, энг аввало, педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бунга тайёр бўлиши кераклигини таъкидлаб, бу борада аниқ вазифаларни белгилаб берди. Шу ўринда, йиғилишда педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларнинг қуйидаги муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Энг аввало, педагогларни ривожланган хорижий давлатларда малакасини ошириш тизимини ташкиллаштириш. Мазкур тизим ўқитувчиларга юқори сифатли таълим стандартлари, инновацион методларни ўрганиш ва тажриба алмашиш имкониятини беради. Ривожланган давлатларда педагогларнинг малакасини ошириш курслари замонавий методика, психология, педагогика ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилинади. Хориждаги малака ошириш жараёнларида ўқитувчилар янги педагогик технологиялар, STEAM таълими, инклюзив таълим ва шахсга йўналтирилган ёндашувни амалда кўриб, ўзлаштиради.

Аниқ сонларга эътибор қаратсак, бир йил ичида 215 нафар ўқитувчи Англия, Франция, Сингапур, Япония, Жанубий Кореядаги энг нуфузли университетларда малака оширди. Энг муҳими, хусусий мактаблар ҳам бу тизимга қўшилиб, ўқитувчиларини хорижга жўнатмоқда. Келгусида малака оширишга бораётганларнинг 25 — 30 фоизи хусусий мактаблардан бўлиши белгиланди. Жорий йилнинг ўзида педагогика олийгоҳлари ва малака ошириш марказларидан камида 5 нафардан, ҳар бир тумандан шунчадан муаллимни чет элга юбориш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат — педагоглар миллий малака ошириш тизимини янги босқичга олиб чиқиш. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти фаолиятини такомиллаштириш ва педагогика олийгоҳларини янги босқичга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу институт трансформация қилиниб, унинг 13 та ҳудудий маркази қайта ташкил этилиши белгиланди.

Бундан буён педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгариши белгиланди. Президентимиз буни Термиз педагогика институти мисолида тушунтириб берди. Ушбу олийгоҳга Янги Ўзбекистон университетидаги каби халқаро бошқарув тизими татбиқ этилади. “ТОП” хорижий олийгоҳлар тажрибаси асосида факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим бўйича 6 та олий мактаб ташкил қилинади.

Аниқ фанлар мактабида Мюнхен техника университети таълим дастурлари жорий этилади. Қолганлари эса Кембриж университети талаблари асосида тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Олийгоҳдаги фанлар сони ҳам мақбуллаштирилиб 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага туширилади. Ўқув юкламаси эса 20 фоизга қисқаради.

Шунингдек, Термиз шаҳри ва туманидаги 47 та мактаб олийгоҳнинг амалиёт базасига айлантирилади. 3 та ихтисослаштирилган ҳамда янги баҳолаш тизимига ўтган 12 та мактаб эса методик база бўлиб, олийгоҳ уларни замонавий лаборатория билан таъминлайди.

Мазкур тизим педагогика олийгоҳларида хорижий давлатларнинг энг нуфузли университетлари тажрибасининг жорий қилиниши билан бир қаторда, мактаблар билан уларнинг узвий боғлиқлиги ошишига хизмат қилади.

Педагогларнинг маҳоратини ошириш бу таълим тизими юксалиши ва барқарор ривожланишининг асосий таянчидир. Педагоглар қанча билимли, инновацион бўлса, таълим шунча юқори, самарали ва замонавий бўлади.

Дилмурод АРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тошкент шаҳрида 2030 йилгача 100 километр узунликдаги каналлар реконструкция қилиниб, атрофида сайилгоҳлар ташкил этилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 16 май

УЛУҒ ШОИР ҒОЯЛАРИ БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Мумтоз адабиётимиз тарихида ўзининг бетакрор ўрнига эга бўлган Алишер Навоийнинг бой ижодий мероси аллақачон умуминсоният мулкига айланди. Шу боис дунёнинг энг йирик шаҳарларида ўрнатилган муаззам ҳайкаллари улуғ шоир даҳосига эҳтиром тимсолидир. Мутафаккир шоирнинг лирик, эпик ва фалсафий асарлари ҳаётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борган. Унинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти тадқиқотига Европада ўн еттинчи асрдаёқ киришилган, асарлари кўҳна қитъанинг қатор мамлакатлари халқлари тилларига таржима қилинган. Ўн тўққизинчи асрнинг олтмишинчи йилларида Марказий Осиёни қадам-бақадам кезиб чиққан Вамбери ушбу ҳудудда яшаётган кишилар Алишер Навоий ғазаллари, унинг ҳаёти ва фаолиятини ёд билишидан ҳайратга тушган.

Нуқтаи назар

Башариятга дахлдор даҳо



Афсуски, кейинчалик мустабид тузум мафкураси туфайли Алишер Навоийдан йироқлашдик. Тадқиқотларнинг аксариятида ҳам унинг шеърияти ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юзаки ёндашилди. Натижада ҳатто зиёли қатлам орасида “ҳар бир байти бир олам маънога эга” ёки “Навоийни англаш мураккаб” каби қолип иборалар пайдо бўлди, миллат шоир шеъриятининг қудратидан бебаҳра этилди. Улуғ шоир таваллудининг қутлуғ 500 йиллик юбилейи қамалдаги Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида ўтказилиши ёхуд узоқ тортишувлардан сўнг номи берилган Навоий шаҳрида орадан қирқ йил ўтиб ҳайкали ўрнатилгани шу ўгай қарашнинг ифодаси, десак, муболаға эмас.

Шукрки, истиқлол туфайли буюк шоирга муносабат тубдан ўзгарди. Бугун мамлакатимиз навоийшунослик тадқиқотлари марказига айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига илк ташрифларидан бирида айни йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш масаласига эътибор қаратар экан, ***“Ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналарни давом эттириб, бу борада Навоий вилояти бошқаларга ўрнак бўлиши керак деб, ўйлайман. Бу масалада Алишер Навоий бобомиз номи билан аталадиган вилоят ўрнак бўлмаса, ким намуна бўлади?”***, дея даъват этган бўлса, ўтган йили 2025 йилни Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”, деб белгилаш ғоясини илгари сурди. Шу ташаббус асосида Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросини юртимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шоир таваллудининг 584 йиллиги муносабати билан Навоий вилоятида шоир адабий меросини ўрганиш ишларини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида маҳаллий ва хорижий олимлар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик иштирокида “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” анъанавий халқаро симпозиуми ўтказилди.

Мазкур анжуманда қатнашган Анқара шаҳридаги Бошкент университети профессори, Алишер Навоий номидаги тадқиқотлар амалий маркази директори Абдурраҳман Гузел *“Навоий ўн бешинчи асрда туркий оламни якка адабий муҳитга бирлаштирган бўлса, бугунги кун воқелигида Ўзбекистон Президенти бутун дунё навоийшунослигини ягона манба атрофига бирлаштирди. Бу ҳазрат Навоий ғоялари билан яшашнинг олий кўриниши”*, дея таъриф берди.

Президент қарорида Навоий шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” боғида бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкалини ўрнатиш ва шоирнинг меъмориал музейини очиш, буюк шоирнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятига бағишланган юқори савияли тарихий кинофильм яратиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида Алишер Навоий номидаги янги боғлар, хиёбонлар, яшил ҳудудлар яратиш, ўқувчи ва талабалар ўртасида “Ҳазрат Навоийни англаш — ўзлигимизни англаш” мавзуида республика танловини ўтказиш, таълим муассасалари, маҳаллаларда “Навоийхонлик кечалари”ни доимий ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Албатта, бу тадбирлар бежиз эмас. Шу ўринда Президентимизнинг симпозиум иштирокчиларига йўллаган табригида ҳазрат Навоий жаҳон адабиёти мезонларига, замон ва тарих синовларига тўла жавоб берадиган дурдона асарлар яратиб, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳам юксак ҳайрат ва таҳсинга муносиблиги эътироф этилди. Шу билан бирга, мутафаккир аждодимизнинг турли халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, башариятнинг ёруғ келажагини биргаликда қуришга чорлайдиган ғоя ва қарашларининг аҳамияти ҳозирги таҳликали даврда тобора ортиб бораётгани таъкидланди.

Бу каби эътирофлардан руҳланган АҚШнинг Принстон университети профессори Саид Ризо Жалолий Балхий *“Алишер Навоий ўз ижоди ва фаолияти билан бугун ҳам инсоният рўбарў келаётган бўшлиқларни тўлдираётган даҳодир. Салкам олти аср нарида туриб, инсониятга тўғри йўл кўрсатиш авлиёларгагина хос фазилат”*, дея фикр билдирди. АҚШлик яна бир тадқиқотчи Азизулло Арол эса *“Шоирнинг тили, ўзи бизники, лекин ижоди ва даҳоси инсониятнинг мулкига айланиб улгурган. Ҳатто давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳам бугунги кун воқелигида ўз аҳамиятини йўқотмай, ибрат мактабига айланди”*, дея таъриф берди.

Таъбир жоиз бўлса, Алишер Навоий тарихнинг мураккаб бурилиш нуқтаси — миллат парокандаликка юз тутган даврда дунёга келди. Фаолияти ва ижодини халқни бирлаштириб, тўғри йўлга бошлашга бағишлади. Бу эса Шарқ Ренессансининг асосий омилларидан бирига айланди.

Инсон — улуғ қадрият

Алишер Навоий талқинида инсон — табиатнинг бетакрор мўъжизаси, тириклик гултожи. Шоир “Хамса”даги достонларда инсон омилини таҳлил этаркан, мукаммал давлат, адолатли жамият, кишиларни бахт-саодатга элтувчи фозил ва одил шоҳ тимсолларини яратади, халқнинг орзу-ниятлари ва ўй-фикрларини баён қилади. Қисқача айтсак, инсон манфаатлари энг улуғ қадрият эканини бадиий образларда очиб беради.

Шоир ижодини кенг қамраб олган ушбу фалсафа бугун мамлакатимизда ҳар жиҳатдан устувор сиёсатга айланди. Анжуманда “Навоийнинг давлатчилик ва раҳбар маънавияти ҳақидаги қарашлари” мавзуси тадқиқ этиларкан, Озарбайжоннинг Боку университети профессори Рабият Асланова *“Навоийнинг 1500 йилда ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” девони давлатчилик тарихи ва анъаналарини, бошқарувнинг илғор усуллари, ҳукмдор ва халқ муносабатларини ўзида ифода этади. Ўрта аср Европа файласуфларига шу жиҳатлари билан ибрат бўлади”*, дея таъриф берди. Ҳозирги глобаллашув жараёнлари умумбашарий қадриятлар, миллий анъаналар, асрий маънавий бойликларга таҳдид солаётган замонамизда Алишер Навоий ижоди ва фаолияти мустаҳкам таянч ҳамда суянч бўлишини таъкидлади.

Бугун дунёга янги тафаккур ва ёруғ юз билан қараётган, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя дастуриламалга айланган мамлакатимизда Президентимиз ислоҳотларида, ташаббусларида, даъватларида ҳазрат Алишер Навоий орзуларининг рўёби ўз ифодасини топмоқда. Зеро, шоир халқ ғамини ўйламайдиган, унинг дардларини тингламайдиган кишиларни ҳақиқий инсон деб бўлмаслигини таъкидлаб, *“Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам”*, деб ёзган эди. Асрлар ўтиб, ушбу даъват ҳазрат Навоий тилида сўзлайдиган мамлакатда давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган, ҳар бир ислоҳотда ўз ифодасини топаётгани бахтимиздир.

Жумладан, Навоий вилоятида ҳам инсон қадрини таъминлаш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ишлар қилиняпти. Масалан, эл саломатлигини сақлаш мақсадида мураккаб операцияларни вилоятнинг ўзида ўтказиш бўйича Навоий тажрибаси яратилиб, беморлар юрак хасталиги, сурункали буйрак етишмовчилигидан халос этилмоқда. Сўнгги йилларда уй-жой қурилиши кўлами қарийб 2,5 баравар оширилиб, узоқ йиллардан буён ўз бошпанасига эга бўлишни орзу қилган юзлаб кишилар уй-жой билан таъминланди. Давлат идоралари мутасаддилари бир пайтлар эшиги остонасида сарғайган кишиларнинг ҳузурига бориб, уларни қийнаётган муаммоларини тинглаб, ҳаётдан розилиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашмоқда. Эзгуликка йўғрилган бу ишлардан улуғ шоир бобомизнинг руҳи ҳам шод бўлаётгани шубҳасиз.

Миллий ўзлик, ғурур ва ифтихор тимсоли

Олимлар инсонга тил ато этилганига 25 — 30 минг йил бўлганини таъкидлайди. Шу давр ичида инсониятнинг илк тамаддунига хизмат қилган шумер, қадимги юнон, иврит каби тиллар йўқолиб, бугун ўлик тиллар рўйхатида бўлса-да, улардан дунё халқларига бениҳоя катта ёзма меросларетиб келган. Шунингдек, ўзбек халқининг миллий тили шаклланишида иштирок этган сўғд, қадимги хоразм, бахтир, тохор тиллари унутилганини ёдда тутиш жоиз.

Ўз она тили билан фахрланган Алишер Навоий ўзбек адабий тилини бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшовчи ўзбеклар учун умумхалқ тили даражасига кўтариб, табиийки, барча туркий халқлар тили бойлиги ва мавқеи, ифода қудратига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Анжуманда афғонистонлик олим Нурулло Аминяр ҳазрат Навоийнинг она тилига муносабатини таҳлил қиларкан, умри давомида том маънодаги ўзбек адабиётини яратиш ва ундан ўз халқини баҳраманд этиш ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун курашганини таъкидлади. Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдор, вазири аъзам, амири кабир сифатида фаолият юритаркан, давлат девонхоналарида форс тили ёнида ўзбек тилини ҳам кенг қўллаб, уни давлат тили даражасига кўтариш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилганига урғу берди.

Бироқ, афсуски, ўзбек тили шўролар даврида жабр кўрмасдан қолмади. Кўр-кўрона ғарбча сўзларнинг кириб келиши миллий лисонимиз лексикасини анча ожизлантирди. Асрлар давомида ишлатиб келинган сўзлар муомаладан тушди. Шевалардагина ифодалаш мумкин бўлган хос сўзларни йўқотишга зўр берилди.

Албатта, шўро даврида миллий маданият, миллий тил каби тушунчаларни йўқ қилиб, ёт ғояларни сингдириш жамиятнинг асосий мафкураси бўлганини унутмаслик лозим. Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” жорий қилиниши халқимиз кўз қорачиғидек асраб келган она тилимизга юксак эҳтиром ифодаси бўлди.

Ўтган тарихан қисқа даврда бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида она тилимиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Боиси Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал этувчи босқичга кўтарилган шу азиз дамларда миллий ўзлигимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридаги улкан сиёсий саммит ва учрашувларда она тилимиз баралла янграяпти. Президентимиз ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилгани буюк аждодимиз хотираси ва бебаҳо меросига юксак ҳурмат намунаси бўлиш билан бирга она тилимизнинг нуфузи тобора ошиб бораётганининг амалий ифодасидир.

Тафаккур карвони

Кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг устувор омили сифатида таълим тизими танланиб, соҳадаги туб ислоҳотлар орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Тарих гувоҳки, ренессанслар юзага чиқишида ўша давр ҳукмдорларининг иродаси, қатъияти муҳим ўрин тутган. Уларнинг тафаккурида уйғонган эртанги кун қайғуси наинки илм-фан, балки давлатчилик асосларида ҳам инқилоб ясаган.

Давлатимиз раҳбари ***“Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя дара-***

> ***“Президентимизнинг симпозиум иштирокчиларига йўллаган табригида ҳазрат Навоий жаҳон адабиёти мезонларига, замон ва тарих синовларига тўла жавоб берадиган дурдона асарлар яратиб, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳам юксак ҳайрат ва таҳсинга муносиблиги эътироф этилди.”***

жасига кўтармоқдамиз” дея, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар пировард мақсадини ифода этаркан, унга элтувчи йўл таълим тизими орқали эканини уқтиради. Ушбу йўлдаги дастлабки қадам, шубҳасиз, мактабгача таълим тизими ислоҳотларида кўзга яққол ташланади. Ҳар икки Ренессанснинг буюк алломалари фаолиятидан маълумки, уларнинг саводи билан тили қарийб баробар чиққан. Хусусан, ҳазрат Навоий “Мажолис ул-нафоис” асарида китоб ва унга самимий муҳаббат, мутолаа маданияти хусусида фикр юритиб, уч ёшда эканида машҳур сўфий ва файласуф шоир Қосим Анворнинг тасаввуфий руҳдаги ғазалини ёд олганини ёзади.

Алқисса, мамлакатимизда болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олиш давлат сиёсати даражасида белгиланиб, пировард натижада бу қамровни юз фоизга етказиш режалаштирилгани бежиз эмас. Мавзуга яна Навоий вилояти мисолида ёндашсак, 2017 йилда 132 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатиб, болаларнинг 34,1 фоизигина қамраб олинган, айни кунларда эса бу кўрсаткич 84,5 фоизни ташкил этмоқда.

Таълим-тарбиянинг кейинги босқичи — умумий ўрта таълимни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди. Чунончи, 2023/2024 ўқув йилида вилоятдаги 365 та мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг 70,6 фоизи олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинди. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткич.

Олий таълим босқичида ҳам муваффақиятлар кўзга яққол ташланади. Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 31 октябрдаги “Навоий давлат университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Навоий давлат педагогика институти негизида Навоий давлат университети очилиши улуғ мақсадлар йўлидаги тадрижийлик ифодасидир.

Университетнинг асосий мақсади — минтақадаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимининг илмий-инновацион усулларини ишлаб чиқишдир. Қарорга кўра таълим даргоҳимиз 2025 йил 1 январдан академик молиявий мустақил олий таълим муассасаси мақомида ўз фаолиятини бошлади. Бу эса университетга стратегик қарорларни мустақил қабул қилиш ва инвестицияларни самарали жалб этиш имконини яратмоқда.

Узоқ йиллар педагогика институти филиали даражасида қолиб келган муассаса бугун ҳудудий олий ўқув юртлари орасида кадрлар тайёрлаш кўлами ва салоҳияти бўйича етакчи илм даргоҳларидан бирига айланди. Университетда 37 та кафедра ҳамда 700 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклларида 18 минг 898 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Айни кунларда университетнинг янги кампуси қурилиши бошланган бўлиб, 2025 — 2027 йилларда фойдаланишга топширилиши белгиланган. Янги ўқув йилидан бошлаб, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, иқтисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика каби йўналишлар ташкил этилади. 50 дан ортиқ етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан самарали ва кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилгани қатор таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурларини амалга оширишни таъминламоқда. Меҳнат бозори талаблари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув режа ва фан дастурлари такомиллаштирилди. Халқаро рейтинг ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиб, университет “UI GreenMetric” рейтингидан рўйхатдан ўтди ва унда профилини очди.

Ҳамкорлик доираси кенгайиши натижасида трансформация маркази ташкил этилиб, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида Туркиянинг Абай университети, Венгриянинг Дебрецен университети, Малайзиянинг UCSI университети, АҚШнинг Миннесота университетидан хорижий экспертлар жалб этилди. Қозоғистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Покистон, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия каби мамлакатларнинг етакчи университетлари билан қўшма таълим ва халқаро алмашинув дастурлари жорий этилиб, илмий-академик алоқалар ривожлантирилди. Натижада олийгоҳимизнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари халқаро “TESOL” сертификатларини қўлга киритди.

Ўқув жараёнларини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш, самарадорликни ошириш, талабаларнинг мотивациясини юқори даражага кўтариш мақсадида рақамли таълим платформалари ва ўқув дастурлари жорий қилинмоқда. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, дарс машғулотларини амалиёт билан бирга олиб бориш мақсадида қатор ташкилотлар, корхоналар, мактабгача ва мактаб таълими муассасаларида университетимизнинг кафедралари филиаллари очилиб, дуал таълим асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Октябрь ойида университетда ўтказиладиган Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига бағишланган халқаро анжуманга ҳозирдан тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан хорижлик ва маҳаллий навоийшунос олимларнинг илмий тадқиқотлари жамланиб, таҳлил этилмоқда.

Улуғ шоир бобомиз адабий мероси қудрати руҳий тарбиядир. У — инсон қалбининг озиғи, онгга қувват, ирода ва сабр берадиган куч. Эзгу орзулар, улкан мақсадлар рўёбини кўзлаб олдинга интилаётган университетимиз жамоаси бугун, аввало, Алишер Навоий ижодидан руҳий қувват ва баланд руҳ олмоқда. Бебаҳо асарларида илгари сурилган миллий ва умумбашарий ғояларга таянмоқда. Зеро, буюк даҳо аждодимизнинг бетимсол ижоди, ибратли фаолияти барча замонлар учун йўлчи юлдуз бўла олади.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Навоий давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Акбар Жўраев — Осиёнинг мутлақ чемпиони!

Хитойда бўлиб ўтаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатининг сўнгги баҳслари Ўзбекистон терма жамоаси учун муваффақиятли ўтмоқда.



Миллий олимпия қўмитаси хабарига кўра эркаклар ўртасида -109 кг. вазн тоифасида кечган баҳслар спортчиларимизнинг бенефисига айланди.

Олимпиада чемпиони ва совриндори Акбар Жўраев яна бир бор маҳорат кўрсатиб, барча йўналишда эътиборга молик кўрсаткичларни қайд этди (183, 223 ва 406 кг.) ҳамда 3 та олтин медални қўлга киритди. Ушбу дастурда А. Жўраевдан кейинги натижани кўрсатган бошқа бир вакилимиз Шарофиддин Амриддинов (181, 214 ва 295 кг.) эса 3 та кумуш медаль билан тақдирланди.

Мазкур натижадан кейин терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар 3 тадан олтин ва кумуш, бронза эса 5 тага етиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни банд этмоқда.

Таэквондочиларимиз муваффақияти

БААда кадетлар ўртасида ўтказилаётган таэквондо WT бўйича жаҳон чемпионати терма жамоамиз учун муваффақиятли ўтди. Муросасиз баҳсларда ҳамюртларимиз 1 та олтин ва 1 та бронза медалларига сазовор бўлди.



65 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган Никита Бибиков барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз финалда эронлик рақибидан устун келди. Шунингдек, қизлар ўртасида 41 килограммгача вазн тоифасида Райҳона Асанбоева яримфиналгача етиб келиб, бронза медали соҳибасига айланди.

Турнирда қатнашувчи жамоалар номи маълум

Шу йилнинг 22 — 28 июль кунлари футбол бўйича анъанавий Мираброр Усмонов хотира турнири бўлиб ўтади.



Бу йилги беллашувларда Ўзбекистон, Япония ва Саудия Арабистони “U23” жамоалари иштирок этиши маълум қилинди.

ЖАР стадионида бўлиб ўтадиган ўйинлар тақвими қуйидагича:

— 22 июль: Ўзбекистон “U23” — Саудия Арабистони “U23”;

— 25 июль: Саудия Арабистони “U23” — Япония “U23”;

— 28 июль: Ўзбекистон “U23” — Япония “U23”.

«Халқ сўзи».

Жанубий Кореянинг оммабоп «KBS» телеканали Ўзбекистоннинг машҳур сайёҳлик манзиллари ҳақида кўрсатув суратга олди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.26 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6